Ўзбекистон овози

Рўзномага 1918 йилда 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМАСИ

● Рўзнома: «Иштирокиюн» (1918 — 1920 й.) «Қизил байроқ» (1920 — 1923 й.). «Туркистон» (1923—1924 й). «Қизил Ўзбекистон» (1924—1964 й). «Совет Ўзбекистони» (1964—1991 й.) номи билан чоп этилган, ҳозир «Ўзбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиқмоқда.

● № 105 (21. 204) 1992 йил 28 май, пайшанба ●

БАҲОСИ 1 СЎМ.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ СИЁСИЙ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИДА

ИСТЕЪМОЛ БОЗОРИ ТЎКИН БЎЛСИН

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий Ижроия Қўмитасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда шу кунинг муҳим муаммоларига доир бир қанча масалалар кўриб чиқилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди. Жумладан, истеъмол бозоридаги аҳволни барқарорлаштиришнинг баъзи бир муаммолари ҳамда республика аҳолисини истеъмол моллари билан кафолатли таъминлаш тўғрисидаги масала кенг муҳокама қилинди ва ҳозирги кунда амалга оширилиши лозим бўлган аниқ-равшан амалий тадбирлар белгиланди.

Муҳокамада асосий эътибор республика Президенти Фармонлари ва ҳукумат қарорларининг амалга оширилишини таъминлаш учун жамоатчилик назоратини ташкил этишга қаратилди. Бунда бозорни моллар билан бойитиш ва аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилаш зарурлиги уқтирилди.

Тадбиркорликни, шунингдек, кенг истеъмол моллари ва озиқ-овқат маҳсулотларини кўпроқ ишлаб чиқариш йўлида шахсий ёрдамчи ҳамда фермер хўжаликларини сиёсий ва амалий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш ва сотиш учун кичик корхоналар тармоғини кенгайтириш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Сиёсий Ижроия Қўмитаси ана шу мақсадларни тез ва сез амалга ошириш юзасидан республика ҳукуматига қуйидаги тадбирларни ўрганиб чиқиб, ўз фаолиятида фойдаланиш учун таклиф этади:

ИСТЕЪМОЛ БОЗОРИДАГИ АҲВОЛНИ БАРҚАРОРЛАШТИРИШ ВА РЕСПУБЛИКА АҲОЛИСИНИ ИСТЕЪМОЛ МОЛЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА БАЪЗИ

ТАКЛИФЛАР

1. Истеъмол бозоридаги ишларнинг аҳволини яхшилашда халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳамда корхоналарнинг бир маромда ишлашини таъминлаш асосий омилдир. Бу вазифани амалда бажариш учун қуйидагилар таклиф этилади:

1. 1. Фармойиш берувчи идоралар олдига хилма-хил молларни кенг кўламда ишлаб чиқаришни таъминлаш мақсадида имтиёзли иқтисодий шарт-шароитларни яратиш учун мавжуд солиқ тизимини қайта кўриб чиқиш ҳақидаги таклиф қўйилсин. Қўшимча қийматга солинадиган солиқ табақалаштирилсин.

1. 2. Вазирлар Маҳкамасига хўжаликлар ишлаб чиқарадиган маҳсулотларни Президент Фармонида белгиланган амалдаги чеклашларни олиб ташлаш таклиф этилсин. Жойларда ушбу масалаларни ўзбошимчалик билан тартибга солиш ҳоллари кўриб чиқилсин.

1. 3. Ўрта Осиё ва Қозоғистон биржалари уюшмасининг молларни олиб келиш ва олиб кетиш тизимини ўзгартириш, лицензиялаш ва квотлашни бошқариладиган божхона солиқлари тизими билан алмаштириш ҳақидаги таклифи қўллаб-қувватлансин. Бу — республика корхоналарининг бошқа минтақалар билан бевосита алоқаларини мустаҳкамлашга кўмаклашади, моддий-техникавий таъминот масалаларини ҳал этишга, муайян минтақалар учун манфаатли бартер битишувларини ривожлантиришга ёрдам беради.

1. 4. Районларнинг ҳокимиятларига фермер ва фуқароларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликлари самарадорлигини ошириш мақсадида бозорларда маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг ўз молларини ташиш ва сотишлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш ва сотиш идоралари томонидан бевосита жойларнинг ўзида шундай маҳсулотларни тайёрлаш масалаларини ҳал қилиш, шахсий ёрдамчи ва фермер хўжаликлари уюшмасининг маҳсулотларини тайёрлаш, қайта ишлаш ва сақлаш соҳасидаги ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантириш таклиф этилсин.

1.5. Кундалик эҳтиёж буюмлари, болаларга мўлжалланган моллар ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи ишбилармонлик тузилмалари ва корхоналарни ривожлантириш учун қулай молиявий, моддий-техникавий ва сиёсий шарт-шароитлар яратиб берилсин.

1. 6. Барча даражалардаги депутатлик гуруҳларининг мажлисларида моллар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш соҳасидаги ишбилармонлик фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашувчи музориба сиёсатини ўтказиш масаласи муҳокама қилинсин ва у таклиф этилсин. Корхоналар ва ташкилотларнинг молиявий фаолиятига банкларнинг ғайри-қонуний равишда аралашувига йўл қўйилмасин.

1. 7. Ҳорижий шериклар билан тузилган шартномалар асосида енгил саноат корхоналарини қайта тиклашни амалга ошириш учун зарур бўлган асбоб-ускуналар қийматини қоплаш мақсадида давлат жаиғармаларидан пахта толасини марказлаштирилган ҳолда етказиб бериш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш ҳукуматга таклиф қилинсин.

1. 8 . Ҳокимларга республика қурилиш мажмуи ишлаб чиқариш имкониятларини сақлаб қолишни қурилиши тўхтатиб қўйилган объектларни танлов асосида қўшма корхоналарга ва хорижий фирмаларга сотиш ҳисобига таъминлаш, бинокорларга бериладиган давлат буюртмаларини шакллантириш учун бошқа манбаларни қидириб топиш таклиф этилди. Бунда аҳолига уй-жойларни хусусий мулк сифатида сотишни кўпайтириш, ширкат асосида қурилишни ривожлантириш, бинокорлик ташкилотларига манфаатли шартларда республика ҳудудидан ташқарида ишлаш имкониятларини бериш ҳам кўзда тутилсин.

1. 9. Президентга ва Вазирлар Маҳкамасига халқ хўжалигини бошқариш тузилмасини сифат жиҳатидан ўзгартиришни амалга ошириш, республика концернлари ва уларнинг тузилмаларини вилоятлар ва районлар даражасида «юқоридан» туриб эмас, балки бевосита товар ишлаб чиқарувчиларга ҳоҳлаган концернларига эркин кириш ва ундан чиқиш ҳуқуқини бериш, корхоналарнинг концернлар билан фақат шартномавий негизлардаги ўзаро муносабатларини қарор топтириш асосида қуйидан туриб шакллантиришга ўтиш таклиф этилсин.

Фан-техника тараққиётини ривожлантириш, шунингдек, маҳсулот ишлаб чиқарувчилар томонидан белгиланган бошқа ишларни бажаришга қаратилган ягона техника сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш республика, вилоятлар, районлар бошқарув тузилмаларининг асосий вазифалари қилиб белгилансин.

II. Моллар қийматини камайтириш ҳамда аҳолининг харид имкониятларини ошириш истеъмол бозорини ривожлантиришнинг шартидир. Ушбу мақсадларга эришиш учун қуйидагилар зарур:

2. 1. Молия ва назорат идораларининг диққат-эътибори Президент ва ҳукуматнинг нархларни, рентабеллик нормалари фоизини ва савдодаги устамаларни белгилашга доир қарорларига риоя қилиш устидан қатъийроқ назоратни амалга ошириш зарурлигига қаратилсин.

Вазирлар Маҳкамасига нарх-наволарни белгилаш бўйича ўрнатилган тартиблар бузилганлиги учун қаттиқроқ чора-тадбирлар кўриш таклиф этилсин.

2. 2. Ҳукуматга ишлаб чиқарилган маҳсулот то харидор қўлига етиб боргунича маҳсулотлар қўлдан-қўлга сотилиши ҳисобига молларнинг нархи бир неча марта ошишини чеклаш мақсадида ишлаб чиқарувчилар ва сотувчиларнинг сертификатини жорий қилиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш таклиф қилинсин.

2. 3. Республикага марказлаштирилган усулда ҳамда ҳукуматлараро битимлар бўйича олиб келинадиган маҳсулотларнинг тижорат тузилмаларида ва хусусий дўконларда сотилишини давлат йўли билан таъқиқлаш таклифи ўртага қўйилсин.

2. 4. Маҳаллий Кенгашларга ва савдо корхоналарига халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи корхоналарга ўзларининг фирма дўконларини очишлари учун савдо майдонларини сотиш, текинга бериш ёки ижарага топшириш таклиф этилсин.

2. 5. Ҳукуматга Ҳамдўстликнинг бошқа минтақаларидан республикага болаларга мўлжалланган хилма-хил молларни, бинокорлик материалларини, энг зарур озиқ-овқат маҳсулотларини олиб келиш ва аҳолига сотиш учун янада қулай иқтисодий шарт-шароитларни яратиш тартибини вужудга келтириш масаласини кўриб чиқиш ва шу хусусда зарур чора-тадбирлар кўриш таклиф қилинсин.

* * *

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий Ижроия Қўмитасининг мажлисида кўрилган бошқа масалалар тўғрисидаги ҳисобот рўзноманинг кейинги сонида эълон қилинади.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Матбуот маркази.

• Республика Президенти Хоразмда

АМАЛИЙ ТАДБИРЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Урганч шаҳрида вилоят фаолларининг бир гуруҳ республика раҳбарлари иштирокида йиғилиши бўлиб ўтди. Унда шаҳар ва районларнинг ҳокимлари, деҳқончилик-саноат мажмуи жамоа ва давлат хўжаликларининг раислари ҳамда директорлари, вилоят идораларининг раҳбарлари, мутахассислар иштирок этишди. Кенгашни республика Президенти, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг раиси Ислом Каримов очди. Йиғилишда жумҳурият Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков вилоятда табиий офатлар туфайли юз берган аҳвол ва уни яхшилашда жумҳурият вазирликлари ҳамда етакчи ташкилотлари томонидан уюштириладиган амалий ёрдамлар ҳақида ахборот берди. Йиғилишда жумҳурият қишлоқ хўжалик фанлари академияси президенти А. Имомалиев, республика давлат суғурта маҳкамаси бошлиғи С. Бузрукхўжаев, нефть маҳсулотлари давлат комитетининг раиси Я. Мўминов, Мелиорация ва сув хўжалиги вазири Р. Гиниятуллин, «Ўзбексавдо» ассоциацияси бошлиғи М. Усмонов, Соғлиқни сақлаш вазири Ш. Каримов, «Химпромконцерн» раиси М. Мирхўжаев, Янгиариқ районидаги «Гулистон», Шовот районидаги «Партия XIX съезди», жамоа хўжаликлари раислари И. Бекжонов, Қ. Қурбонбоев ўртоқлар сўзга чиқдилар. Йиғилишда республика Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади. Вилоят ҳокими М. Жуманиёзов республика раҳбарларига, воҳа меҳнат аҳлига, айниқса деҳқонларга кўрсатилаётган эътибор, амалий ёрдам ва мадад ҳамда белгиланган муҳим тадбирлар учун миннатдорчилик изҳор этди.

Э. МАДРАҲИМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ФАОЛЛАР ЙИҒИЛИШИ

Фарғонада вилоят фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вилоят иқтисодиётида вужудга келган танглиқдан чиқиб олиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, ички имкониятлардан самарали фойдаланиш масалалари муҳокама этилди. Ойлик маош, қарилик нафақаларини ўз вақтида тўлаш чора-тадбирлари белгиланди.

Фаоллар йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э. Самандаров, вилоят ҳокими Ғ. Фозилов иштирок этдилар.

(ЎзА).

ҲИСОБЛИ ДЎСТ АЙРИЛМАС

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА 1992 ЙИЛ ИККИНЧИ ЯРМИ УЧУН ҚАЙТА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Рўзномамизнинг 13 май сонида «Ҳисобли дўст айрилмас» сарлавҳаси остида «Ўзбекистон овози» таҳрир ҳайъатининг муштарийларга мурожаати эълон қилиниб, унда қайта обунанинг сабаблари баён қилинган эди. Ҳозир кўпдан кўп муштарийларимиз қадрдон рўзномага қайта обуна бўлишди. Шу йил 10 июнгача қайта обуна бўлганлар 1992 йил 1 июлдан бошлаб рўзномани узмасдан олиб ўқийверадилар.

«Ўзбекистон овози» рўзномасига 1992 йил 1 мартидан оширилган нархларда обуна бўлган муштарийлар йилнинг иккинчи ярмида ҳам янгидан ёзилмай рўзномани олишаверади.

1991 йили эски нархларда обуна бўлган муштарийларга рўзномани етказиб бериш 30 июнда тўхтатилади. Улар қайтадан обунани тез кунларда расмийлаштиришлари лозим.

Қайта обуна баҳоси қуйидагича:

1 ойга — 33 сўм,

3 ойга — 95 сўм,

6 ойга — 195 сўм.

Шу нархларда обуна бўлган муштарийларга рўзноманинг бир сони 1 сўм 50 тийиндан тушади.

1992 йил 1 июнидан бошлаб рўзноманинг чакана сотувдаги баҳоси 2 сўм белгиланади.

«Ўзбекистон овози»нинг индекс рақами 64583.

Обуна бўлишга шошилинг.

ОБУНА ТУГАШИГА 12 КУН ҚОЛДИ

Ф СП—1

Алоқа вазирлиги «Матбуот уюшмаси»

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» (нашр номи) 64583 (нашр кўрсаткичи)

рўзномасига ОБУНА

обуна сони

1992 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга

(почта кўрсаткичи) (манзил)

Кимга

(касаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

РЎЗНОМАНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚЧАСИ

п.в. | жойи | 64583 (нашр кўрсаткичи)

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

(нашр номи)

обуна янги манзилга юбориш	баҳоси	сўм	обуна сони
	баҳоси	сўм	

1992 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга

(почта кўрсаткичи) (манзил)

Кимга

(касаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

Учрашув пайти.

В. МОЛГАЧЕВ олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН ХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ЖАМИЯТШУНОС ОЛИМЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Кеча Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашида республиканинг таниқли жамиятшунос олимлари ва Тошкент олий ўқув юртлари ижтимоий фанлар кафедралари профессор-ўқитувчиларининг бир гуруҳ намояндалари билан учрашув бўлиб ўтди. Уни қисқача кириш сўзи билан очган МК биринчи котиби М. М. Расулов ҳозир бўлганларга ХДПнинг қисқа вақтда босиб ўтган йўли, унинг дастурий мақсад ва вазифаларини амалга ошириш учун олиб бораётган кўпқиррали ишлар, мустақил Ўзбекистон олдида турган асосий муаммолар ва Президент И. А. Каримов бошчилигидаги республика раҳбариятининг уларни тезроқ ҳал қилиш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш соҳасида олиб бораётган сиёсати тўғрисида гапириб берди.

Ошкоралик ва ҳайрихоҳлик руҳида ўтган мулоқотда қатнашган Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиби А. Саидов, фалсафа фанлари доктори, профессор С. Шермуҳамедов, Ўзбекистон ФА мухбир аъзоси Ҳ. Ғулатов, Ўзбекистон ФА академиги М. Хайруллаев, тарих фанлари доктори, профессор К. Норматов, профессор А. Зиётов, иқтисод

(Давоми иккинчи бетда).

• ХДП: сиёсий ташкилот нуфузи

ЖАМИЯТШУНОС ОЛИМЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

фанлари доктори, профессор А. Қодиров, фалсафа фанлари доктори, профессор Н. Зайниев, Ўзбекистон ФА мухбир аъзоси М. Искандаров, тарих фанлари номзоди, доцент Н. Ҳасановлар мураккаб ўтиш даврини кечаётган республикамизда ижтимоий фанларнинг ва уларни олий ўқув юртларида ўқитишнинг аҳволи ҳақида куюниб гапирдилар.

Мустақил Ўзбекистоннинг равнақини, унинг дунёдаги илғор давлатлар қаторидан ўрин эгаллашини, халқимизнинг ҳозирги қийинчиликларни енгиб, эзгу ниятларига етишини жамиятшунослик фанларисиз, уларнинг бетакрор ҳиссасисиз тасаввур этиб бўлмайди. Бозор иқтисоди шароитида халқ хўжалигининг барча соҳаларида юқори самарали ишлайдиган кадрларни тайёрлашда ҳам, ёш авлодни тарбиялашда ҳам ушбу фанларнинг алоҳида ўрни борлиги якдиллик билан таъкидланди. Шунга қарамай айрим олий ўқув юртлари раҳбарлари томонидан ижтимоий фанларга иккиламчи аҳамиятга эга бўлган нарсадек қараш, уларни ўқитишга ажратилган соатларни ноўрин қисқартириш, шу соҳадан дарс берувчи профессор ва ҳар бир ўқитувчи бажариши шарт бўлган соатлар миқдорини асоссиз равишда кўпайтириш каби салбий ҳолатлар оз эмаслиги аниқланди. Учрашув қатнашчилари томонидан ижтимоий фанлар нуфузини ошириш ва уларни ўқитишни давр талаби ва жаҳон тажрибаси асосида қайта қуришга қаратилган аниқ таклифлар киритилди.

Учрашувда иштирок этган Ўзбекистон Фанлар Академияси вице-президенти, академик И. Искандаров ҳур Ўзбекистоннинг истиқболларини аниқлаш, унинг гуллаб-яшнаши учун ижтимоий фанларнинг аҳамияти ҳақида тўхтаб ўтди. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири, академик Ж. Абдуллаев мулоқот қатнашчиларининг кўпгина саволларига жавоб қайтарди.

Кўпчилик сўзга чиққанлар ушбу учрашувни ташкил этганлиги учун ЎзХДП раҳбариятига ташаккурлар айтиб, уни анъанага айлантириш, жамиятшуносларнинг доимий мулоқотини йўлга қўйишни илтимос қилдилар.

М. М. Расулов суҳбатга якун ясаб, унда кўтарилган долзарб масалаларга партиямиз бундан кейин эътиборини кучайтиришини, Марказий Қенгаш жамиятшунос олимлар билан алоқаларини мустаҳкамлажаклигини, ўз фаолиятида уларга кенгроқ таянишга тайёр эканлигини уқдириб ўтди.

Учрашувда Ўзбекистон ХДП МК котиблари Ҳ. Абдураимов, И. Кочмарик, Қорақалпоғистон Республика кенгашининг биринчи котиби А. Асановлар қатнашдилар.

• Халқ ноибларига ёрдам

НОИБЛИК СЎРОВИ

Ноиблик сўрови — халқ ноибининг аниқ салбий фактларга бундан буён йўл қўймаслик учун шундай фактлар сабаблари, оқибатлари ва уларни тугатиш юзасидан кўрилган чоралар тўғрисида ўзини ёки сессияни хабардор этиш ҳақида қилинган расмий илтимосномадир.

Ноиблик сўрови кенгаш сессиясида овозбериш йўли билан, масалан, бюджет, унинг моддалари ёҳуд бошқа ҳаётий муҳим масалалар бўйича қарор қабул қилиш учун зарур бўлган ахборотларни олиш билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин. Сўров, агар салбий фактлар мавжуд бўлса, ҳоким маъмуриятидаги мансабдор шахс фаолияти тўғрисида маълумотни аниқлаб олиш учун юборилиши мумкин. Сўров сессияда илгари қабул қилинган қарорлар ёки ҳокимлар фармойишлари бажарилиши устидан жорий назорат тартибида фойдалидир.

Ноиблик сўрови ёзма равишда расмийлаштирилади, унда одоб доирасида қабул қилинган, яъни «Ҳурматли ҳоким, Сиздан қуйидагиларни... тушунтириб беришингизни сўрайман», каби қоидаларга риоя этилади. Сўровда киритилаётган муаммонинг моҳияти (қисқача) очиб берилади, халқ ноиби аниқлаштирмоқчи бўлган зарур нарсалар ва кўзланган мақсадлар кўрсатиб ўтилади. Агар сайловчилар (сайлов округининг номи) ноибга сўров киритишни топширган бўлсалар ёки сайловчилар ноиб қабули чоғида шу ҳусусда мурожаат этган бўлсалар, унда буни алоҳида қайд этиб ўтмоқ лозим. Такрорий сўровда эса бундан аввал берилган сўров куни унга қачон жавоб олингани ёки олинмаганлиги, қайтарилган жавоб ноибни ва унинг сайловчиларини қониқтирган ёки қониқтирмаганлиги кўрсатилади.

Халқ ноиби ёки бир неча халқ ноиблари сўровга имзо чекади. Кенгаш регламенти ноиблар гуруҳи номидан сўровлар киритишга рухсат этиши мумкин.

Сўров кўтарилган муаммолар моҳиятига қараб ҳокимга, кенгаш раисига, иж-роия ҳокимият органлари раҳбарларига, прокурорга, халқ суди раисига ва бошқаларга юборилиши мумкин. Ноиблар сўровлари тегишли кенгаш раёсати девонига ёки ҳокимга бўйсунувчи раҳбарга мўлжалланган бўлса, ҳоким девонига берилади ёки сессия чоғида ошкора киритилади.

Ноибнинг ўзида ёки ноиблар гуруҳида сўров нусҳаси бўлишини маслаҳат берамиз.

Сўровни олган идора ёки мансабдор шахс агар сўров сессияда ёки кенгаш раёсатида тушган бўлса кенгаш сессиясини, агар сўров сессиялар ўртасидаги даврда берилган бўлса, сўровга жавоб бериш муддати, шакли ва жавобгар шахс тўғрисида хабардор этиши керак. Улар эса ноибга хабар беришади. Жавобни тайёрлаш учун муддат уч ойдан ошиб кетмасликка жавоб ёзма равишда ноибга топширилиши ёки сессияда оғзаки жавоб берилиши мумкин.

Ўзбекистон ХДП ноиблар гуруҳи ва аппаратда ишлаётганлар Ўзбекистон ХДП кенгаши фаоллари халқ ноибига сўровни ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштиришда ёрдам кўрсатмоқда, кўтарилган муаммолар юзасидан зарур ахборотларни бермоқда. Мазкур ҳужжатни ноиблик гуруҳи рўйхатга олмоқда. У зарурат туғилганда (кенгаш раиси, ҳоким сўровнинг кўриб чиқилишига монелик қилганда, сўровга қониқарсиз жавоб бўлганда) сўровда қўйилган муаммоларни ҳал этишда ноибга ёрдам бериши лозим.

Сўровнинг рад этилиши нодемократик чора ҳисобланиб, ноиб ва унинг сайловчилари ҳуқуқларини бузади. Сўровни рад этишга ички ишлар, прокуратура ва миллий хавфсизлик органларида жиноий ёки фуқаролик ишлари кўрилаётгандаги тергов сири, тижорат сири ёки Ўзбекистон Республикаси Қонунларида белгиланган бошқа бирон-бир сир сабаб бўлиши мумкин. Шундай бўлган тақдирда қонуннинг аниқ моддаси кўрсатилиши зарур. Ноиб рад жавобида кўрсатиб ўтилган қонун матнини хабардор бўлиш учун сўраш ҳуқуқига эга.

Сессия ташаббус кўрсатган ноиб ёки ноиблар гуруҳи, шунингдек, бир қатор ноиблар таклифлари бўйича, агар очиб берилган муаммо ҳуқуқий ёки бошқа маъноларда аҳамиятга молик бўлса, сўров бўйича қарор қабул қилиши мумкин.

Сессия оддий кўпчилик овоз билан кун тартибига аниқ ва ўта муҳим сўров бўйича муҳокамани кирита олади. Шундай бўлганда ноиблар тингловига йўл қўйилади.

Ҳокимга мўлжалланган баъзи сўровлар:

— Қайси сабабларга кўра фалон посёлкада биринчи даражали зарур молларнинг талон бўйича берилиши таъминланмаяпти? Аҳолини, айниқса, кўп болали оилалар ва нафақахўрларни талон бўйича кафолатли таъминлаш учун ҳокимият томонидан қандай чоралар кўрилади?

— Фалончи фуқаролар деҳқон хўжаликларини тузиш учун ер ажратилишига йўл бермаётган фалон жамоа хўжалиги раиси ҳаракатларини кўриб чиқиш ҳақида район ҳокимига бир неча бор мурожаат этдилар. Шу тариқа Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 19 ноябрдаги «Ижара тўғрисида»ги қонуни бузилмоқда. Келтириб ўтилган ушбу аниқ ҳолда ва қонуннинг шундай бузилишлари олдини олиш учун ҳокимнинг қарори қандай бўлади?

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 13 ноябрдаги «Барча типдаги мактаблар ўқитувчилари, болалар боғчалари тарбиячиларига қўшимча имтиёзлар, юқори синф ўқитувчилари иш ҳақини ошириш тўғрисида»ги Фармонига қарамай, мутахассислиги бўйича иш стажи 20 йилдан ортиқ бўлган умумий таълим мактабларининг фалончи ўқитувчиларига яшаётган уйлари ва хонадонлари шахсий мулк сифатида расмийлаштириб бериш қандай сабабларга кўра кечикмоқда?

— 1991 йил 19 ноябрдаги «Давлат тасарруфидан чиқариш ва ҳусусийлаштириш тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ бизнинг шаҳримиздаги савдо, маиший хизмат кўрсатиш соҳаларининг қайси майда ва кичик корхоналари қайси муддат ва қандай тарзда «қай йўл» билан хусусийлаштирилади?

ЎЗБЕКИСТОН ХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ПАРЛАМЕНТ ФАОЛИЯТИ ВА ПАРТИЯЛАРАРО АЛОҚАЛАР БЎЛИМИ.

КАСАБА УЮШМАЛАРИ ҲАЁТИДАН

● Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ўзининг навбатдаги раёсати йиғилишида қўйгина долзарб масалаларни кўриб чиқиш билан бир қаторда, ахборот ва тарғибот шўъбасини тузишга ҳам қарор қилди. Бозор иқтисоднётига ўтишнинг ҳозирги мураккаб шароитида меҳнаткашлар манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя этиш хатти-ҳаракатларидан, бу йўлдаги амалий тадбирлар ва муаммолардан жумҳурият ахборот воситалари орқали етти миллиондан знёд касаба уюшмалари аъзоларини ўз вақтида хабардор қилиб бориш шўъбанинг муҳим вазифаларидан бири деб белгиланди.

АХБОРОТ ШЎЪБАСИ

— Меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоя қилишда касаба уюшмаларининг ўрни ва аҳамияти катта, — дейди Федерация кенгаши раисининг ўринбосари Муҳайё Тўлаганова. — Жумҳурият касаба уюшмаларининг «Ишонч» ҳафталиги яқинда ўзининг бир йиллигини нишонлади. Бундан ташқари айрим вилоятларда ҳам вилоят касаба уюшмаларининг рўзномалари фаолият кўрсатмоқда. Жумладан, Қорақалпоғистонда «Профсоюз турмуси», Андижонда «Адолат», Хоразмда «Мулоқот», Фарғонада «Меҳнаткаш Фарғона» рўзномалари ниҳоятда қийин шароитларда ишламоқдалар. Ўз рўзномаларига эга бўлмаган вилоят касаба уюшмалари кенгашлари қошида эса матбуот марказлари мавжуд. Уларнинг ягона, муштарак мақсадлари — жамият аъзоларини ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилиш. Федерация қошида ташкил этилган ахборот ва тарғибот шўъбаси ана шу рўзномалар ва матбуот марказлари билан, Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистон, шунингдек, ҳамдўстликнинг бошқа мамлакатлари билан алоқалар ўрнатади ва уни мустаҳкамлайди, ҳаётий муаммоларнинг тезроқ ҳал этилишига кўмаклашади.

Ахборот ва тарғибот шўъбасининг дастлабки ташаббуси билан яқинда «Ишонч» ҳафталиги, касаба уюшмалари вилоят рўзномаларининг муҳаррирлари, матбуот марказларининг мутасаддилари учрашув ўтказдилар.

ТАЪСИС ҚУРУЛТОЙИ

Ўзбекистон нодир маъданларга кон бўлган бой жумҳуриятдир. Республика мустақил деб эълон қилиниши натижасида собиқ Иттифоқ марказининг ана шу бойликка ҳокимлигига чек қўйилди. Ерости бойликларини қазиб олиш билан машғул корхоналар ҳозир Ўзбекистон республикаси ноёб маъданлар ва олтин ишлаб чиқариш Қизилқум давлат концернига бирлашганлар. Ана шу корхоналарнинг бошланғич касаба уюшмалари яқинда ташаббус ҳамда таклиф билан чиқдилар — соҳа ишчи ва хизматчиларининг меҳнат, турмуш, ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни ҳуқуқий таъминлаш мақсадларида концерн корхоналари ходимларининг касаба уюшмаси таъсис этилди. Навоий шаҳрида бўлиб ўтган таъсис қурултойида Ўзбекистон ҳудудида жойлашган барча атом энергетикаси ва саноати ходимлари касаба уюшмалари ҳам концерн касаба уюшмаларининг тенг аъзоси эканлиги эътироф этилди.

Қурултой ўз низомини тасдиқлади, касаба уюшмалари кенгашини тузди. Марказий руда бошқармаси касаба уюшмаси бирлашган қўмитасининг раиси бўлиб ишлаган Виктор Юдин кенгаш раиси қилиб сайланди.

Кенгаш низомга биноан ва шартнома асосида Ўзбекистон Республикаси касаба уюшмалари Федерацияси билан ўзаро ҳамкорлик ўрнатиш ҳақида қарор қабул қилди.

ТАЛАБАЛАРГА ЁРДАМ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раёсатининг қарорига биноан Тошкентдаги олий ва ўрта махсус ўқув юртлари касаба уюшмаларига 241 минг сўм миқдорда моддий ёрдам пули ажратилди. Маблағ Ўзбекистон талаба ёшларига ижтимоий ёрдам республика жамғармасидан ажратилди. Ўқув юртлари талабалари касаба уюшмалари ёрдам пулини кимга ва қанча миқдорда берилишини мустақил равишда ўзлари белгилайдилар.

БОЛАЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

Ҳадемай мактабларда сўнгги қўнғироқлар чалиниб, жумҳуриятимиз мактабларининг юз минглаб ўқувчилари ёзги таътилга чиқадилар.

Болаларнинг саломатлигини муҳофаза этиш, уларнинг кўнгилдагидек дам олишини уюштиришда меҳнаткашларнинг ижтимоий ҳуқуқлари камситилишига йўл қўймаслик касаба уюшмалари учун муҳим масала, деб ҳисоблайди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши. Болалар ва ўсмирларни соғломлаштириш учун ижтимоий суғурта воситаларидан ажратмалар 47 фоизгача бюджет тармоқ қўмиталари учун эса 70 фоизгача етказилишига рухсат берилди. Болаларни соғломлаштириш лагерлари йўлланмаларнинг 10 фоизи бепул берилади, қолган қисми учун эса ҳақ ота-оналардан йўлланма нархининг 10 фоизи миқдорида олинади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ахборот ва тарғибот шўъбаси.

ГАП СОВҒАДА ЭМАС...

• МЕҲР—МУРУВВАТ

Усмон ота ҳовлисидаги дарахтларнинг тагини юмшатиб юрганди. Шу пайт кўча эшик очилиб, уч-тўрт киши кўринди. Ота улар орасидан фақат Иноможонни таниди. Иноможон Алимов Халқ Демократик партияси Поп район Кенгашининг биринчи котиби. Районда ўтадиган каттакичик тадбирларга ҳар доим бош-қош, куйди-пишди йигит.

Усмон ота меҳмонларга пешвоз чиқди.

— Келинглар, келинглар — дея ичкарига бошлади.

— Келдик, — деди Иноможон кулимсираб биринчи бўлиб отага қўл узатаркан, — Хол-аҳвол сўраб ўтгани киргандик. Яхши юрибсизми?

— Раҳмат, раҳмат! — деди Усмон ота дили яйраганча.

Биринчи котиб ҳамроҳларидан чоққина жуссали, оқсариқдан келган ёшгина йигитни вилоят партия ташкилотининг иккинчи котиби Азамат Фаёзов деб отага таништирди. Келганларни ҳам ХДП район кенгаши ижроия бюроси аъзолари, деб бирма-бир таништириб чиқди.

— Сизни яхши биламиз, — Усмон отага вилоят кенгашининг иккинчи котиби гап қотди. — Узоқ йиллар партия сафида бўлиб вилоятимиз ҳаёти ривожига катта ҳисса қўшгансиз. Халқ демократик партиясига ҳам биринчилар қаторида аъзо бўлдингиз. Бундан ташқари Улуғ Ватан уруши қатнашчисисиз. Бир неча орден-медаллар билан тақдирлангансиз. Сизнинг босиб ўтган ҳаёт йўлингиз, тажрибаларингиз биз-ёшларга мактаб вазифасини ўтайди. Юзга кириб юринг. Бизнинг ҳам арзимас совғамизни қабул қиласиз!

Азамат Михайлович шундай деб партия фахрийсига ХДП вилоят кенгашининг совға-саломларини топширди.

— Очиғи, биздек кексаларни йўқлаб келганингиз учун хурсандман. Кўнгил тоғдек кўтарилди, — деди қувончини изҳор қиларкан Усмон ота. — Минг раҳмат сизларга, умрларингдан барака топинглар.

Шу куни ХДП фаоллари Пахтаобод қишлоқ Кенгаши ҳудудидаги боқувчисини йўқотган Насибахон Насриддинова хонадонида ҳам бўлишди. Азамат Михайлович Насибахонга вилоят кенгаши номидан 500 сўм пул эҳсон қилди. Бу воқеа бир ярим ой илгари бўлиб ўтганди. ХДП район кенгаши шу тариқа кишиларга имкон қадар моддий ва маънавий ёрдам кўрсатишга интилмоқда.

— Бизнинг бугунги фаолиятимиз мезони, обрў-эътиборимиз одамлар орасига киришимиз, уларга меҳр-оқибат кўрсатишимиз билан ўлчанади, — дейди биринчи котиб Иноможон Алимов. — Биз мумкин қадар ҳар бир тантанаю маросимда қатнашишга, Усмон отага ўхшаш, узоқ йиллар партия сафида бўлиб, районнинг иқтисодий ривожига арзигулиқ ҳисса қўшган кишиларни топиб, улар кўнглини кўтаришга ҳаракат қиляпмиз. Жалолиддин Аҳмедов, Мираббос Рустамов, Анорбуви Тожибоева, Обиджон Имомов, Норпошша Тошпўлатова, Ҳайрихон Дадаева сингари йигирмадан ортиқ партия фахрийлари ҳузурида бўлиб, уларга уч минг сўмликдан знёд моддий ёрдам кўрсатилди. Районимиздаги 41, 43, 50-мактаб интернат ўқувчиларига турли ўқув-техника воситалари, янги китоблар совға қилдик.

О. НОМОЗОВ,
«Поп тонги» рўзномаси муҳаррирининг ўринбосари.

ҲАМИША ИЗЛАНИШДА

● Бирлашмамиз ўзига хос тарихга эга. Қарши даштида амалга оширилган кечаги ва бугунги ишларда жамоанинг ўз ўрни ва ҳиссаси бор. Аммо партия аъзолари, жонкуяр фаоллларнинг омма ўртасидаги ўрни ва салмоғи кучли. Ҳозир тизимимиз ташкилотларида иш олиб бораётган 107 та бошланғич ташкилотларда 1800 дан знёд ХДП аъзолари бор.

Уларнинг бир қисми партияга янги кирган умидли ёшлар, тажрибали мутахассислар эканлиги қувонарли, албатта. Шу мисолнинг ўзи ҳам ишчи ва хизматчилар ўртасида партиянинг обрўси ошиб бораётганини кўрсатиб турибди.

Яқинда барча ХДП аъзоларига муваққат аъзолик гувоҳномалари топшириш тадбирлари бўлиб ўтди. Унда партия фаоллари, фахрийлари билан бирга, ташкилотимиздаги 21 нафар республика, вилоят, шаҳар ва район кенгашлари депутатлари ҳам иштирок этдилар. Муваққат гувоҳномалар топшириш даврида партия сафлари кескин ўсди. Илғор ишчи ва инженер-техник ходимлар, юқори ва ўрта бўғинларда ишлайдиган раҳбарлар ҳам ХДП сафига ўтдилар.

Ҳозирги мураккаб иқтисодий шароитда аҳволни ўнглаш асосий вазифадир. Қурилиш материаллари тақчил. Шу боисдан ҳам белгиланган режаларни амалга ошириш қийин бўлиб қолди. Айрим участкаларда қурилиш-монтаж ишлари сустлашиб кетди. Ана шунинг ўзи одамлар учун янги иш жойларини топишни тақозо қилади. Шуни эътиборга олиб ҳудуддаги шаҳар ва районларда, хўжаликларда кўпгина енгил саноат ҳамда қайта ишлаш корхоналари барпо этилаяпти. «Аврора» совхозида тикувчилик корхонаси иш бошлади. Жойларда иккита ғишт заводи, битта оҳак заводи, учта пахта тозалаш заводи, терига қайта ишлов бериш, газмол тўқиш корхоналари қурилиши бошлаб юборилди. Бу албатта кўплаб одамлар учун янги иш жойлари ҳозирлаш имконини беради.

А. ОЛЕЙНИК,
«Қарши қурилиш» агросаноат бирлашмаси партия ташкилоти котиби.

ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!
ОБУНА ВАРАҚАСИНИ БЕХАТО ТЎЛҒАЗИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ!

Агар обуна «Матбуот уюшмаси» агентлигида расмийлаштирилган бўлса, касса аппаратининг муҳри, алоқа бўлимларида расмийлаштирилганда эса тақвим штемпели, албатта, бўлиши керак.

Бу ҳолда обуначиларга абонемент билан бирга пул қабул қилинганлиги ҳақида квитанция берилади.

АЗИЗ ОБУНАЧИ ЎРТОҚЛАР!

Рўзнома ва ойномаларга обуна варақчасини сиёҳли ручкаларда хатосиз, сўзларни қисқартирмасдан ва тушунарли қилиб тўлғазинг.

Обуначи ўз турар жой манзилгоҳи, насаби, исми ва отасининг исмини аниқ ёзиши талаб этилади.

Обуна варақчасидаги «ПВ-Жойи» деган ёзувли катакларни алоқа бўлинмалари ва «Матбуот уюшмаси» агентликлари ходимлари тўлғазади.

ЎҚИМИШЛИ ОИЛА

● Ниҳоят, «Ўзбекистон овози» ҳам қайта обуна эълон қилди. Ҳаммамиз тушуниб турибмиз, бошқа илож қолмаган кўринади. Лекин севимли рўзнома мутасаддиларига раҳмат. Чунки, республикада чиқадиган кўпчилик рўзномалар апрель ойидаёқ ўз муштарийлари билан олдиндан огоҳлантирмасдан «хайрлашиб» қўя қолган эдилар. «Ўзбекистон овози» обуначиларига эса биринчи ярим йил охиригача рўзнома олиб туриш, йилнинг қолган олти ойига қайта обуна расмийлаштириш учун етарли вақт берилди.

Обуна қиммат дейишади. Ҳозир ўзи нима арзон? Ана бозорга боринг, янги картошканинг килоси 40—50 сўмлигини кўрасиз.

Оиламизда 7 жон бор, 2 киши ишлайди, мен нафақа оламан. Қадрдон рўзномага ёзилиш учун маблағ топамиз.

М. БОТИРХОНОВ,
Наманган вилояти.

ПОЧТАЧИ ҚОПЧИҒИ ПУЧАЙМАСИН

● Мен узоқ йиллардан бери почтальонлик қиламан, хат-хабар, газета-журнал тарқатаман. Лекин биринчи марта қопчиғим ярим бўш қолди. Нега десангиз, Тошкентда чиқадиган айрим газеталар қишлоқдаги муштарийларга етиб келмаяпти... Маълумки, қишлоқларда рўзнома дўконлари йўқ. Ҳозир одамлар фақат «Ўзбекистон овози»ни олиб ўқишяпти. Уйлайманки, олдиндан огоҳлантирилган муштарийлар унга ўз вақтида қайта обуна бўладилар, уларга 1 июлдан кейин ҳам рўзномани етказиб бераверамиз.

Ш. РАҲМОНОВ,
Сурхондарё вилояти.

ФАРМОННИНГ ИЖРОСИ БЎЛДИМИ?

● Шу йил апрель ойи охирида республика вақтли матбуотини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тўғрисида Президент И. Каримовнинг Фармони эълон қилинган эди. Лекин унинг ижроси етарли даражада таъминланмади чоғи, кўпгина рўзномалар қайта обунани эълон қилдилар. Ҳа, ҳар доим кескин ўзгаришлар оғирлиги оддий халқ елкасига тушади, шароит шундай бўлгач, чидаймиз.

Ҳурматли «Ўзбекистон овози» журналистлари! Рўзномангизга ёзиламиз, кўнглингиз тўқ бўлсин. Халқ суйган газетасини ташлаб қўймайди, Ундан ҳамиша ҳаққоний ахборотлар оламиз деб умид қиламиз.

У. САТТОРОВА,
Жиззах вилояти.

Намунали хизмат

Тошкентнинг Сирғали район алоқа бўлимида шу кунларда иш қизғин. Алоқа ходимлари қарийб тўрт район ҳудудида истиқомат қилувчи 500 минг кишилик аҳолига хизмат кўрсатишмоқда. Улар 20 га яқин хизмат тури билан машғул. Шу кунларда йилнинг иккинчи ярми учун рўзномаларга обуна ишлари давом эттирилмоқда.

Суратларда: 1. Хат ташувчи Ғавҳар Раззоқова 18 та кўп қаватли турар жой биноларида хонадонларга кириб обуна ишларини бажармоқда. У Абдураимовалар хонадонида «Ўзбекистон овози»га обуна қилишни расмийлаштирмоқда. 2. 167-алоқа бўлими бошлиғининг муовини А. Захарьян телефакс ёрдамида ҳужжатларни жўнатмоқда. 3. 198-алоқа бўлими бошлиғи А. Аҳмуллаева билан хат ташувчи Л. Саенко.

В. МОЛГАЧЕВ олган суратлар.

АДОЛАТНИНГ ЧАҚИР СЎҚМОҒИ

Ўзбекистон Республикаси прокурори Б. М. МУСТАФОЕВ билан мулоқот

— Бўритош ака, Ўзбекистонда прокуратура хизмати ташкил этилганига етмиш йил тўляпти, шўро ҳукумати даврида тузилган бу идора эндиликда халқимизнинг ҳуқуқларини том маънода ҳимоя қила оладими?

— Ўтган давр, у қайси тузумда кечганига қарамай, халқимизнинг қисмати, тарихига айланиб қолди. Прокуратура хизматига келсак, у муайян тузум манфаатларининг ифодаси бўлган қонунлар асосида фаолият кўрсатган. Масалан қадимда ўлкамизда шариат қонунлари амалда бўлган. Шариат ҳукмини ҳимоя қилган беклар, уламолар, қозилар, муфти ва аъламлар омма орасидаги муносабатларни тартибга солиб туришган.

Руссия ҳукмдорлари Туркистонни босиб олгач, уни ўз манфаатларига бўйсундириб бошқариш мақсадида махсус низом қабул қилишган.

Ўша низомнинг 218-моддасида судларнинг муайян қонунларга риоя этиши устидан прокурор назоратини ўрнатиш назарда тутилган. Бу ишларнинг бари ўлкада ҳукмронлик қилган генерал-губернатор ихтиёрига берилган. Хабарингиз бор, тузум ўзгаргач, совет даври «генераллари» ҳам то яқин кунларгача мазкур ваколатни қўлдан бермай келдилар. Ҳамма соҳада бўлгани каби бизнинг ишларимизни ҳам яқин-яқингача марказ бошқарди. Унинг миллий жумҳуриятларга қандай муносабатда бўлганини эса кўриб турибмиз. Бинобарин, айтиш мумкинки, Ўзбекистон прокуратураси халқимиз ҳуқуқларини том маънода ҳимоя қилишнинг ташаббускори бўла олмаган. 37-йилларни эслайлик. Қанчадан-қанча бегуноҳ одамларимиз жазоланмади, умрлари ҳазон этилмади дейсиз! Шунга қарамай, ўтган йиллар мобайнида жумҳуриятимизда прокуратура хизмати маълум даражада шаклланди, маҳаллий халқ вакилларидан ҳуқуқ посбонлари етишиб чиқа бошлади. Улар оммавий қатағон қурбонларининг фуқаролик ҳуқуқларини тиклашда талайгина ишлар қилишди.

Прокуратура хизматининг асосий мақсади конституцияда белгилаб қўйилган ҳуқуқларни адолат юзасидан ҳимоя қилишга қаратилган. Қаердаки қонунчилик бузилса, белгиланган қонунлар амал қилмаса, ўша ерда жиноятчилик туб қўйиб, томир отади. Шўро қонунчилигининг қисмати шундай бўлди. Унда инсон ҳуқуқлари билан ҳисоблашилмади, инсон эрки тушунчаси қоғозда қолиб кетди. Мазкур тузумнинг инқирози айнан шу жиҳатларга ҳам боғлиқдир.

Мана, ватанимиз Ўзбекистон мустақил давлат сифатида фаолият кўрсатиб, талайгина ижобий натижаларга эришди. Шулардан бири — Ўзбекистон Прокуратурасининг ўз ҳуқуқларини қўлга киритгани. Яқинда прокуратура ҳақида қонун лойиҳаси тайёрланиб, жумҳурият Олий Кенгаши сессиясида кўриб чиқиш учун тавсия этилди. Қониқиш билан айтиш мумкинки, лойиҳанинг ҳар бир бандида халқимиз манфаатлари ўз ифодасини топган.

— 37-йиллар қатағони ҳақида гапирилганда беихтиёр 80-йиллар қатағони ҳам ёдимизга тушади. «Десант»чи генераллар, Гдлян ва Иванов бошлиқ қирғинчиларнинг жумҳуриятимизда қилган қора қилмишларининг чегараси бўлмади. Улар жазосиз қолдилар. Айтингчи, маҳаллий гдлянчиларимизнинг тақдири қандай бўлди, ахир? Уларни қилмишига яраша жазолаш ҳам халқ ҳуқуқларини ҳимоя қилишга киради-ку, шундай эмасми?

— Бу ҳақда жуда кўп гапириш мумкин. Жумҳуриятимиз раҳбарларининг ташаббуси билан Гдлян-Иванов-лар томонидан айб қўйилганларнинг ҳаммаси озод этилди. Келтирилган моддий зарарлар қопланди, айримлар ўз лавозимларига ёки миқёсан тенг бошқа вазифаларга тикланди. Маънавий зарарнинг эса чегараси йўқ. Маҳаллий гдлянчиларнинг барчаси ҳуқуқни ҳимоя қилиш идораларидан четлаштирилди. Бу масала ҳали кун тартибидан тушган эмас. Жумҳуриятда гдлянчилар олиб борган ишлардан норози бўлганлар, уларга қарши курашганлар ҳам бор эди. Афсуски, уларнинг ўзи ҳимоясизлик туфайли кўп азиятлар чекишди. Начора, кураш қурбонсиз бўлмайди деганлари рост.

— Фалончи фалончига пора берибди, деган тагдор гапларни кўп эштамиз. Айниқса, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари орасида порахўрликнинг ҳамон мавжудлиги ҳақида нима дея оласиз?

— Бу нарса, минг афсуски, бор. Масалан, 1990 йили Тошкент вилояти прокурорининг топшириғига биноан Ғалаба тумани прокуратурасига ишга юборилган Қодир Сатқулов деган киши товламачилик қилиб, айбланувчи Д. Исломбоевдан уч минг сўм пул сўраган. У пора олаётган пайтида қўлга тушди.

Ўша йили ҳуқуқ-тартибот идораларида порахўрлиги учун 7 киши, ўтган йили 2 киши вазифаларидан четлаштирилди.

Прокуратура соҳасида умр бўйи ҳалол меҳнат қилиб, обрў-эътибор топган одамлар ҳам талайгина. Шулардан бири — 45 йил прокуратурада хизмат қилган, давлат адлия маслаҳатчиси, генерал Рустам Муҳамедовнинг фаолияти барчага ўрнак бўларлидир. Яқинда ана шундай эътиборга лойиқ бир гуруҳ оқсоқолларимизни фахрийликка кузатдик. Ўзбекистон Прокуратураси улар билан ҳақли равишда фахрланади.

Ҳуқуқ-тартибот идораларида хизмат қилувчиларга бундан кейин талаб янада оширилади. Сафларимизни ҳалол инсонлар ҳисобига мустаҳкамлаб борамиз, ниятимиз шундай.

— Халқимизни бир томондан иқтисодий танглик, иккинчи томондан, жумҳуриятимизда тобора ўсиб бораётган жиноятчилик миқёси қийнаб қўйди. Айтинг-чи, жиноятчиликнинг рэкет, мафия каби вахималарининг чек-чегараси борми? Халқни бу балолардан ҳимоя қилиш учун қандай тадбирлар белгиланяпти?

— Ҳа, бу борада ишларимиз анча мураккаб кечяпти. Ўтган йилга солиштирганда жумҳуриятимизда жиноятчиликнинг умумий миқдори 7,02 фоиз ўсди. Жиноят турлари асосан давлат ва жамоат мулкини ўмариш, аҳолининг шахсий мулкини ўғирлаш, порахўрлик, қасддан одам ўлдириш ва ҳоказолардан иборат. Буларнинг бари ғаразгўйлик, бойлик орттириш мақсадида содир этилаётган жиноятлардир. Рэкет ва мафияларнинг ҳам нияти шундай. Тажрибалар шуни кўрсатадики, жамиятда тузум ўзгараётган босқичда жиноятчилар ҳар қандай тубан ишлардан ҳазар қилмайдилар. Бу билан улар умум ишига тўсқинлик қилиб, ўзлари учун қулай вазиятни барқарор ушлаб туришдан манфаатдордирлар. Ҳатто давлат идораларида ҳам, ички ишлар хизматида ҳам, бошқа жойларда ҳам уларнинг ҳимоячилари топилади. Биласиз, жумҳуриятимизда коррупция ва ташқи иқтисодий жиноятчиликка қарши кураш бошқармаси тузилди. Бу бошқарманинг жиноятчиликка қарши курашиш имкониятлари жуда катта. Мана шу идорага ҳам «вакил» тиқиштиришга уриниш бор...

Юқорида айтганимиздек, мустақил жумҳуриятимиз эндигина оёққа туряпти, уни ҳимоя қилиш, жамиятни зараркунандалардан тозалаш ишлари катта куч ва матонат талаб этади.

— Шу ўринда ўта муҳим ва мураккаб бир жиҳатга эътиборни қаратмоқчи эдим. Бу ҳақда аввал ҳам фикрлар билдирилган. Жумҳуриятимизда ,умуман, бошқа жойларда ҳам жиноятчининг қайси миллатга мансублигини ўрганиш атайлаб назардан соқит қилинган. Бизнингча, бу ишни бирон-бир шаклда йўлга қўйиш лозим. Масалан, мамлакатимизда турли миллат вакилларининг маданий марказлари тузилган, шуларнинг имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш зарур. Айтайлик, маълум даражада исботланган, инкор этиб бўлмайдиган дастаклар маданий марказлар муҳокамасига қўйилса, улар тарбиявий ишлар олиб борпса, натижа самаралироқ бўларди. Сизнинг фикрингиз қандай?

— Бу ҳақиқатдан ҳам жуда нозик масаладир. Шундай таклифлар илгари ҳам бўлган. Маълумки, жиноятнинг миллати бўлмайди. Дейлик, сиз фарзандингизни тўғри бўл, ўғрилик қилма, бировга озор берма ва ҳоказо деб тарбияласангиз-у, ўзгалар бу ишга панжа орасидан қараса, қилган саъй-ҳаракатингиз ҳеч қандай самара бермайди, албатта. Шунинг учун бу иш билан ҳамма баравар шуғулланиши керак; ўзбек ҳам, ўрис ҳам, қозоғу корейс ҳам.

Таъкидлаганимдек, бу масалага эътибор зарур. Тўғри, маъмурий идораларимиз жамоатчилик, хотин-қизлар ва ёшлар билан ишлаш ташкилотлари, маданий марказлар билан ҳамкорликда фаолият кўрсатишмоқда. Аммо бу тадбирларни ҳали жиноятчиликка қарши курашнинг ягона йўли деб бўлмайди. Унинг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш керак.

— Бўритош ака, мазкур суҳбатимиз матбуот юзини кўрадиган бўлса, ҳурматли газетхонларимиз кўнглидан йилнинг бошида Тошкентдаги Талабалар шаҳарчасида рўй берган нохуш воқеаларнинг оқибатини билиш истаги ҳам кечиши, шубҳасиз. Бу борадаги ишлар нима билан тугади?

— Ҳали тугагани йўқ, бу ишлар бости-бости бўлиб кетди, деган хаёлда юрганлар хато қилади. Мулоқотимиз давомида «адолат» сўзини кўп ишлатдик. Прокуратура жазоловчи идора эмас. Бизнинг вазифамиз — мавжуд қонунларнинг бажарилишини назорат қилиш. Жазони эса суд белгилайди.

Биз ҳозир Талабалар шаҳарчасидаги воқеалар юзасидан тегишли ишларни олиб борямиз. Яқин кунларда ҳақиқат юзага чиқади. Бу ҳақда алоҳида суҳбатлашамиз.

ЎзА мухбири Уктам МИРЗАЕВ суҳбатлашди.

• ОЛИМ МУЛОҲАЗА ЮРИТАДИ •

ФАНГА ҚЎШИЛГАН ЯНГИЛИК

● Илм-фан ҳар қандай тараққиёт негизи. Шу сабабли мустақил республикамизнинг халқ хўжалиги ривожланган давлатлар даражасига кўтариш биринчи навбатда илм кошонасида меҳнат қилаётган кадрларнинг кашфиётчилик, яратувчилик қобилиятига боғлиқ.

Республика Қишлоқ хўжалиги фанлари академияси илм даргоҳида қанчадан-қанча фан номзодлари, докторлари, профессорлар бор. Улар сафида ҳалол меҳнат қилиб, янгилик яратаётганлар оз эмас.

Бизнингча, илмий кадрлар тайёрлашнинг ҳозирги тартибини ислоҳ қилиш пайти келди. Бу борада жумҳуриятимизда Олий Аттестация Комиссиясининг тузилиши ва ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиш негизида илмий кадрлар тайёрлашнинг самарали янги усулини жорий қилиш лозимлиги ҳақидаги Президентимиз И. А. Каримовнинг Фармони айни муддао бўлди.

Шунга кўра ва ривожланган давлатлар тажрибасига асосланиб, жумҳуриятимизда илмий унвон олиш учун икки табақали диссертация ёқлаш каби тартибни бекор қилиш долзарб вазифа, деб ҳисоблаймиз.

Бир марта илмий унвонни ёқлаган олимнинг кейинги тақдири, ҳаётдаги ўрнини унинг илм-фанга қўшган янгилиги билан белгиланиши шарт.

Қ. РОЗИҚОВ, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди.

Октябрь районидаги Охунбобоев номли давлат хўжалиги «Оқ олтин» ширкатининг Мусо Ражабов етакчилигидаги бедачилик звеноси аъзолари 50 гектарердаги бедани ўриб олишмоқда.
СУРАТЛАРДА: ферма механизатори Абдуманнон Пармонов ва беда ўрими пайти.
У. ҚУШВОҚОВ олган суратлар.

• ЖУРНАЛИСТ ЁН ДАФТАРИДАН •

ТЎКИНЧИЛИК МЕҲНАТГА БОҒЛИҚ

Ҳар гал Усмон Юсупов районидаги Жейнов қишлоғига борганимда уни шаҳарга қиёслагим келади. Бу ерда пахта тозалаш заводи, тикувчилик ва гилам тўқиш цехлари, тегирмон ва болалар боғчалари, мактаблар, қишки, ёзги клублар, бозор, магазинлар қишлоқнинг чиройига-чирой қўшиб турибди.

Қарийб 12 минг аҳоли яшайдиган қишлоқ одамларининг яшаш тарзи ёмон эмас. Ижтимоий объектлар қаторида деҳқонлар учун шинамгина янги уй-жойлар қад ростлаяпти. Бозор ва магазинлардан тирикчилик учун керакли маҳсулотларни топиш мумкин. Оч-яланғоч қоламан, деган одамнинг ўзи йўқ.

— Тўкинчилик меҳнатга боғлиқ, — дейди шу ердаги Ульянов номли давлат хўжалиги бригада бошлиғи Гулчеҳра Мўминова. — Ўтган йили пахта билан бирга озроқ майдонда полиз, сабзавот маҳсулотлари, чорва моллари учун тўйимли озуқа етиштирган эдик. Бригадамиз аъзолари айни пайтда қиммат нархдаги сабзи-пиёз учун бозорга қатнамайдилар. Ўзми-кўпми шахсий моллар учун хашак ҳам жамғарганмиз. Тақчиллик кунларида бу молларни боқишга яраяпти.

Ҳамма колхоз ва совхозларда озуқабоп экинлар экиляптими, сабзавот маҳсулотлари етиштириляптими? Афсуски, йўқ. Қарши шаҳри атрофидаги ва бошқа узоқ-яқин қишлоқлардаги аҳоли ўз тирикчилигини шаҳар бозорлари, дўконларига боғлаган. Сабзавот маҳсулотлари, мева-чевани нуқул шаҳардан ташиб келтиришади. Ҳатто энди нонни ҳам шаҳардаги нон дўконларидан олиб келишяпти. Тўғри, қишлоқда аҳвол оғир. Шаҳарда халқ магазинга кўз тиккан десак, қишлоқда ҳам шаҳардан олиб келишаётганлиги ажабланарли. Кейинги кунлари Қарши шаҳридаги нон тайёрлаш корхоналарининг ун сарфи бир ярим — икки баравар кўпайиб кетди. Аҳоли сони эса ўша-ўша. Аниқланишича, дўконлардаги нонни шаҳарликлардан кўра четдагилар кўпроқ олиб кетишаётган экан. Яқинда Мағзон қишлоғида яшовчи бир хонадонда қотирилган бир тонна яқин нон ва бир неча қоп шакар ғамлаб қўйилганлигини кўриб ҳайрон қолдик. Илгари қишлоқ хонадонлари омборларида қотирилган нонга эмас, томорқада етиштирилган ғаллага лиммо-лим тўларди.

Маълумки, Президент Фармонига биноан ҳамма уруғлик дон, техникадан ҳам ёрдам қилишяпти. Қарши районидаги Қовчин қишлоғида Карл Маркс номли давлат хўжалиги маъмурияти ана шундай тадбирларни амалга оширмоқда. Аммо баъзи қишлоқларда бўлганимизда бошқа манзарани ҳам кўряпмиз. Ўзим туғилиб вояга етган Ульянов районидаги Касбида қишлоқдошларнинг тирикчилиги ҳақида гап кетганда улар қатор муаммоларни тўкиб солишди.

— Чорва молларини кўпайтиринг дейсиз. Хўш, озуқани қаердан топамиз. Экин экдик дейлик. Сувни қаердан оламиз. А. Навоий номли совхоз хўжалик раҳбарларидан бир литр сувни олиш амри маҳол-ку. Озуқа етишмаслиги важидан тўрт-беш бош майда молни ҳам сақлашнинг иложи бўлмаяпти.

— Президентимизга раҳмат, — дейди шу ерда яшовчи оддий ишчи М. Каримов — Қадимий анъаналар тикланяпти. Бола-чақаларимиз билан ишлаб кўп пул топяпмиз. Аммо донга келганда муҳтожлик сезяпмиз. Инкор этмаймиз, Фармонга биноан совхоз томонидан анча-мунча дон ундириб берилди. Шунисига ҳам шукур. Деҳқончиликка қўл уряпмиз. Демоқчиманки, зора хўжалигимизда ҳам ғалла майдонлари аввалгига кўра икки-уч баравар кенгайса. Илгаритдан ота-боболаримиз ғаллачилик билан астойдил шуғулланиб келганлар. Қишлоқни кесиб ўтувчи сув йўли «Арпаариқ» деб аталарди. Баъзи буйруқбоз раҳбарларнинг ўзбошимча хатти-ҳаракати билан ариқ кўмиб ташланди. Энди аҳоли бир томчи сувга зор. Ариқлар тикланса, томорқаларда ҳам ғалла мўл бўларди. Чорва озуқасига ҳам ёлчирдик.

— Бирор қишлоққа табиий газ келса, водопровод қувури тортилса, автобус қатнови йўлга қўйилса, мақтаб ёзасизлар. Қани бизда ҳам шундай бўлса, деб юракларимиз орзиқади, — дейишди кишилар.

Миллионер районнинг аҳволи ҳали ҳолва экан. Агар Қамаши, Чироқчи, Деҳқонобод районларидаги қишлоқларда одамларнинг турмуши унутилиб қўйилди.

Аммо ҳамма гап тадбиркорликка, уддабуронлик ва ғамхўрликка боғлиқ эканлигини Ульянов районидаги «Партия XXIV съезди» давлат хўжалиги мисолида яққол кўриш мумкин. Бир йил ичида тегирмон, ғишт заводи қурилди. Кўплаб янги уй-жойлар фойдаланишга топширилди. Олтмиш шифохона қурилиши бошланди. Човқай қишлоғида қариялар чойхонаси, ҳаммом қурилиб ишга туширилди. Аҳолига 83 бош ғунажин, 270 та парранда, қўй арзон нархда сотилди.

— Буларнинг ҳаммаси нарх-наво кўтарилган бир пайтда қишлоқ меҳнаткашларини ижтимоий ҳимоялашга хизмат қилади, — дейди давлат хўжалигининг директори, Халқ демократик партияси район кенгаши ижроия бюроси аъзоси Номоз Сариков. — Агар имкон бўлганда шакар ишлаб чиқарадиган корхонани ҳам қурган бўлардик Бу ҳам қишлоқларимиз тирикчилигини яхшилашга ярарди. Нега шу пайтгача ҳеч ким бу ҳақда бош қотирмаганлигига ҳайронман?

Ўринли савол! Афсуски, вилоятда ана шу муҳим муаммога эътибор қаратилмаяпти. Баъзилар пахтани етиштирсагу, чит — сатиндан ёлчимасак, талон кўрсатиб ярим кило ёғ ва совун олсак, уят эмасми, деган ҳақли эътирозларни ҳам билдирмоқдалар. Бозор иқтисодиёти шароитида айрим савдо ходимлари инсоф доирасидан чиқиб, бойлик орттириш, ғирромлик йўлига ўтиб олдилар. Улар фаолиятидан қишлоқ аҳолиси норози. Кимдир ўғил уйлантиради, қиз чиқаради. Оддий газмол, қанд-қурс эса анқонинг уруғи бўлиб қолган. Ваҳолонки, тижорат дўконларида, Чироқчи районидаги Пайшанба бозорида қимматбаҳо, тақчил, ноёб буюмлар шунчалик серобки, гўё кўргазма учун қўйилган дейсиз. Давлат дўконларида эса кундалик тирикчилик учун зарур гугурт, кир совун, туз, лампочкани учратмайсиз. Шу ўринда Шаҳрисабз районидаги Чоршанба қишлоғида яшовчи меҳнат фахрийси Турдиқулбобо Бердиевнинг шикоятини эштинг:

— Қишлоғимизда чайқовчилик шаҳар, район ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари кўз ўнгида содир бўлаётганлиги кишини ўйлантиради. Қишлоқдаги хўжалик моллари дўконида йўқ лампочка шундоққина унинг ёнида чайқовчи томонидан ўн баравар қимматга сотилаётганлигига нима дейсиз? Афсуски, буни кўра-била туриб ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари чора кўришмаяпти. Кунимиз ўтяпти ишқилиб. Оила аъзоларим билан асалари боқяпман. Етиштирилган маҳсулотнинг ортиқчасини бозорга сотяпмиз. Бир сўз билан айтганда, қозонимиз қайнаб турибди.

— Менинг назаримда қишлоқларда фермерлик, яъни якка деҳқон хўжалигини авж олдирмоқ керак, — деди Қарши даштидаги 18-давлат хўжалиги директори Шомурод Ҳақназаров. — Тўғри, деҳқонга истагандек техника, унумли ер етишмаслиги мумкин. Аммо ота-боболардан қолган омоч, бўйинтуруқ, от-уловлардан фойдаланилса, бунинг савобига нима етсин. Ёқилғи ҳам демайсиз, эҳтиёт қисм ҳам. Бу деҳқонга зарар эмас, фақат фойда келтиради, албатта. Унинг ошиғи олчи, қозони мойли бўлади. Қишлоқ аҳолиси тирикчилиги яхши ўтади.

Тинниб-тинчимас қишлоқдошларим ҳолига ачиниб, бу машаққатли кунлар ҳам ўтар-кетар, ҳадемай ёруғ, тўкинчилик кунлари келар, ҳеч нарсага муҳтож бўлмасмиз, дегим келади.

Мусо КАРОМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ОЛАМДА НИМА ГАП?

БОШ ВАЗИР ТАШРИФИ

● Туркия Республикасининг Бош вазири Сулаймон Демирэл расмий ташриф билан Москвада бўлди.

Туркиялик меҳмон Россия Президенти Борис Ельцин билан Кремлда учрашди. Суҳбат тугагандан сўнг Россия Федерацияси билан Туркия республикаси ўртасида ҳамкорликнинг асосий йўналишлари ҳақида шартнома имзоланди. Иккала томон музокаралар самарали бўлганлигини алоҳида таъкидлади.

ТОШКЕНТ УЧРАШУВИДАН МАМНУНИЯТЛИК

● Шимолий Атлантика ҳамкорлиги кенгашининг юқори даражадаги гуруҳи Мустақил давлатлар ҳамдўстлигига аъзо бўлган давлатлар бошлиқларининг Тошкент учрашуви натижаларидан мамнуниятлар изҳор этди.

Учрашувда эришилган натижалар Европадаги оддий қуролли кучлар тўғрисидаги шартномани кучга киритишга йўл очиб берди. Юқори даражадаги гуруҳ СССРнинг парчаланиши муносабати билан қуролсизланиш соҳасидаги муаммоларни кўриб чиқиш учун шу йил қиш фаслида тузилган эди.

ТОЖИКИСТОНГА ЁРДАМ

● Америка Қўшма Штатларининг Тожикистондаги муваққат ишлари вакили жаноб Стэнли Т. Эскудеро республика президенти Раҳмон Набиев номига мактуб йўллади.

Вакил Тожикистонда бўлган табиий офатнинг фожиали оқибатлари муносабати билан ҳамдардлик билдириб, Қўшма Штатлар ҳукуматининг ёрдам бериши хусусидаги дастлабки тадбирларни маълум қилган. Яқин кунларда Тожикистон Қизил хоч ва Қизил Ярим Ой жамияти номига 1,8 миллион сўмга чек юборилиши маълум қилинади. Бу маблағ табиий офатдан энг кўп зарар кўрган Помирдаги Кодак қишлоғини тиклашга сарф этилади. Айни чоғда кийим-кечак, дори-дармон, озиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олинади.

ШАРТНОМА ИМЗОЛАНДИ

● Кремлда Россия Президенти Борис Ельцин ва Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев учрашдилар.

Президентлар Россия Федерацияси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида дўстлик, ҳамкорлик муносабатлари тўғрисидаги шартномани имзолашди.

САЛМОҚЛИ ТАШРИФЛАР

● Украина Президенти Л. Кравчук Эстонияда бўлди.

Ташриф вақтида Л. Кравчук Эстония Республикаси Олий Кенгашининг раиси А. Рюйтель билан учрашди. Давлатларнинг раҳбарлари дўстлик ва ҳамкорлик, савдо, иқтисодий муносабатлар ҳақидаги шартномани имзолашди.

* * *

● Буюк Британия Бош вазири Польшада бўлди.

Бош вазир бу ердаги амалий мулоқотлардан сўнг Чехословакия ва Венгрияга ҳам йўл олди.

* * *

● Бангладеш Бош вазири Бегим Холида Зиё Раҳмон хоним Даккадан Деҳлига жўнаб кетди.

Ҳиндистонга расмий ташриф уч кун давом этади. Маълум бўлишича, томонлар иккала мамлакат ўртасидаги маҳаллий ва халқаро муаммоларни муҳокама қиладилар.

* * *

● ЧСФР ҳукумати раиси Мариан Чалфа Украинада бўлди.

М. Чалфа ташриф вақтида Украина Президенти Л. Кравчукка ЧСФР Президенти В. Гавелнинг мактубини топширди. Мактубда ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга бўлган интилиш тилга олинади. Украина Президентини Чехословакияга ташриф билан боришга таклиф этилади. Таклиф мамнуниятлик билан қабул қилинди.

ЯХШИ ХУЛҚ — ЗИЙНАТ

● Европа қитъасида қайси миллат энг батартиб ҳисобланишади?

«Юропиэн Вэльюз груп» ташкилоти ўтказган ва «Пэтра» журналида (Бонн) эълон қилинган социологик тадқиқотлардан шу нарса маълум бўлдики, данияликлар энг батартиб одамлардир. Улар қитъада яшовчи бошқа халқларга нисбатан солиқларни вақтида тўлашади. Автомашиналарда эса тезликни бошқаларга нисбатан камдан-кам оширишади, порага ҳам камдан-кам учадилар.

Тадқиқотлар 13 мамлакат вакилларининг иштирокида ўтказилди.

77 ЁШИДА РОМАН ЁЗДИ

● Хитойда Сичуан вилоятининг фуқароси Ма Шиту номи тез-тез тилга олинаётир.

77 ёшли Ма Шиту икки йил олдин компьютер сотиб олди. Машқлар қилиб, роман ёзишга киришди. Машқлар самара берди. «Момақалдироқ маъбудаси ҳақида ривоятлар» романи юзага келди. Асар 600 минг иероглифдан иборат.

ЕР СИЛКИНДИ

● Кубанинг шарқий вилоятларида ер қимирлаганлиги қайд этилди.

Зилзила маркази Гаванадан салкам 600 километр масофада Гранма вилоятида бўлган. Рихтер шкаласи бўйича 5,2 баллга етган силкиниш энг кучли деб қайд этилди. Вилоятдаги ўнлаб уй-жойларга зиён етди. Куба шаҳрида йил бошидан буён шу билан олтинчи марта ер қимирлади.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва рўзномаларнинг хабарлари асосида тайёрланди).

Воқеалар. Янгиликлар. Шарҳлар.

• *Янгиликдан хабарингиз борми?*

ДОРИВОР ГИЁҲЛАР БИЛИМДОНИ

● Ражаббой Собиров жумҳуриятимизнинг кўзга кўринган доришунос-фармацевт олимларидан бири. Унинг илмий фаолият кўлами Ўрта Осиё, хусусан, Хоразм воҳасининг доривор гиёҳлари дунёсини ўрганиш, уларнинг анъанавий халқ табобатидаги роли ва аҳамиятини, турли касалликларга ёрдами ҳамда малҳамлик даражасини аниқлаш, гиёҳлардан янги дори-дармонлар ишлаб чиқиб уларни тиббиётда қўлланишига тавсия этишдан иборат.

Ражаббой ака ана шу хайрли йўлда ўттиз йилдан кўпроқ вақтдан буён тинимсиз ва сидқидилдан меҳнат қилиб, самарали илмий изланишлар олиб бормоқда. Олим XV асрда яшаган машҳур табиб ва адиблардан бири Мавлоно Нидоийнинг «Қаюннома», XVII асрда яшаган Хоразм хони ва адиби, маҳоратли табиб Абдуғози Баҳодирхоннинг «Манофеъ ул-инсон» асарларини, айниқса Ибн Синонинг «Тиб қонунлари»ни синчиклаб ўқиб-ўрганиш натижасида ота-боболаримиз Турон анъанавий халқ тиббиётида доривор гиёҳларнинг 250 хилидан ҳам кўпроғидан фойдаланишганини, ҳозирги замонавий табобатга эса уларнинг атиги 58 таси маълум эканлигини аниқлади.

Тиббий билимларга доир ўша қадимий ва ноёб асарларда шифобахш гиёҳлардан дори тайёрлашнинг 90 хил усули — «рецепти» мавжудлиги ҳақида ҳам сўз юритилган эди. Ражаббой Собиров ўзининг илмий изланишларида ана шу қимматли манбаларга таянди, йўқолиб бораётган кўпгина доривор гиёҳларни қидириб топиб, уларнинг кимёвий таркибларини ўрганди, тегишли ишлаб чиқариш марказларига ўзининг илмий кузатишлари натижаларини тақдим этди. Олимнинг «Хоразм шарбати», биринчи ва иккинчи деб тартибланган «Даволаш чойлари» замонавий табобатда қўлланиш учун қабул қилинган. Ражаббой ака бу борада иккита муаллифлик гувоҳномасига эга. У доривор гиёҳлар дунёсига доир 32 та илмий иш, жумладан, битта монография, учта қизиқарли рисола-китобларнинг муаллифи ҳамдир.

Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, у Хива туманидаги Беруний номли жамоа хўжалиги бошқарувининг катта ёрдамига таяниб, бундан бир неча йил олдин икки ярим гектар майдонда «яшил дорихона» ташкил этган. Унда айни пайтда ноёб ҳисобланган 20 хилга яқин доривор гиёҳлар етиштиришга асос солган эди. Яшил дорихона гиёҳларининг ҳосили табиий дориворлар тайёрлайдиган тегишли фармацевтика марказларига, Урганч шаҳрида самарали фаолият кўрсатаётган «Доривор гиёҳлар шарбатхонаси»га жўнатилмоқда.

«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЮЗМА-ЮЗ МУЛОҚОТ

Жумҳурият истеъмол бозорини ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан ўтган йили республика ички ишлар вазирлиги ҳузурида товар-моддий бойликларини олиб чиқиб кетишни назорат қилувчи давлат инспекцияси ташкил этилганди. Айтиш керакки, бу тизилма қисқа вақт ичида анчагина хайрли ишларни амалга оширди.

Биргина шу йилнинг тўрт ойи мобайнида республикадан ташқарига олиб чиқиб кетилаётган қарийб 100 миллион сўмлик товар моддий бойликлари ушлаб қолинди. Ноқонуний хатти-ҳаракатлари учун 4261 кишига 1,2 миллион сўмлик жарима солинди.

Куни-кеча Тошкент вилоятининг Қозоғистон билан чегарадош «Ғишт кўприк» назорат постида давлат назорат инспекцияси ходимларининг журналистлар билан бўлган юзма-юз мулоқотида ана шулар ҳақида сўз борди. Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги қошидаги давлат-назорат бош бошқармасининг бошлиғи, милиция генерал-майори У. Абдуғаниев ва бошқа мутасадди раҳбарлар жумҳурият оммавий ахборот воситалари вакилларининг саволларига муфассал жавоб беришди.

А. БОЛИЕВ.

ЭЛ ЯХШИЛАРНИ УНУТМАЙДИ

● Ўтнафас публицист, моҳир таржимон, муаллим Саидризо Ализода 1905 йилдаёқ «Низомнома» деб ном олган эркпарвар ижодий гуруҳга раҳбарлик қилган эди. У дунёдан том маънода ёниб яшаб ўтди.

С. Ализоданинг мактабмаориф олдидаги хизматлари беқиёс. Қисқа вақт ичида ўзбек, рус ва тожик мактаблари учун ўндан ортиқ қўлланмалар яратди. Айниқса, Мингтут маҳалласида очган миллий мактаби эл оғзига тушди. Чоризм малайлари муаллимни тазйиқ остига олдилар. Лекин у турли номларда ва турли жойларда ўз мактаби фаолиятини тўхтатмади.

Ўзбек ва тожик китобхонлари Крилов, Л. Толстой, Пушкин, Н. Островский асарларини айнан С. Ализоданинг ўткир қалами, моҳир таржимонлик туфайли ўз она тилларида ўқидилар. У рўзнома ва ойномаларда долзарб публицистик чиқишлар қилди. «... Ализода камдан-кам кишига насиб этадиган талант, жўшқинлик, юксак маданият соҳиби эди. У билан ишлаш завқли эди», — деб ёзади ўз хотираларида Лохутийнинг рафиқаси Цицилия Бону.

С. Ализода ўзига ўхшаган кўплаб маърифатпарварлар сингари қатағон йиллар қурбони бўлди. Аммо халқ эзгуликни унутмайди. Яқинда самарқандликлар ўз юртдошларининг туғилган куни 105 йиллигини нишонладилар «Панжоб» эронийлар миллий-маданий марказида ана шу муносабат билан катта илмий — амалий анжуман ўтказди. Саидризо Ализода номи билан аталувчи 14-ўрта мактабда унинг ҳайкали ўрнатилди.

Ф. ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

БИККС

АРЗОН БАҲО ЭВАЗИГА ЕВРОПАЧА СИФАТ!

"БИККС" АССОЦИАЦИЯСИ БЕЛЬГИЯНИНГ ЭНГ ЯХШИ ФИРМАЛАРИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН РАНГ-БАРАНГ ГИЛАМСИМОН ҚОПЛАМАЛАРНИ ТАВСИЯ ЭТАДИ. УЛГУРЖИ ВА ЧАКАНА САВДО ЙЎЛИ БИЛАН СОТИЛАДИ. КУП МИҚДОРДАГИ ТУРКУМЛАР САВДОСИДА ЕНГИЛЛИК БЕРИЛАДИ.

Манзилимиз: 7000146, Тошкент шаҳри, Зебо Шамсуддинова кўчаси, 2-боши берк кўча, "Алина" кичик жорий этиш корхонаси.
Телефонлар: 90-94-85, 91-31-08, 98-64-53, 68-70-35.
109088, Москва шаҳри, Халқ Хўжалиги Ютуқлари кўргазмаси, "Союзпечать" дўкони.
Телефонлар: 447-37-20, 283-32-42, 942-23-28, 181-65-30.

"САРБОН" ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ.

ФУТБОЛ ФУТБОЛ

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» КЎРИК-ТАНЛОВИ

ИШҚИБОЗЛАР ДИҚҚАТИГА

ОМАДИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ!

Мустақиллик нафасидан баҳраманд ўзбек футболи янгиланиш сари дадил қадам ташламоқда. Ўзбекистон республикасининг мовий-яшил байроғи остида у ҳадемай халқаро майдонларга чиқиш арафасида. Миллий ва олимпиада терма жамоаларимиз таркиб топган. Барча лигаларда миллий биринчилик давом этмоқда.

Азиз футбол мухлислари!

Рўзномамиз муҳарририяти футбол мухлисларининг кўрик-танловини ўтказмоқчи. Мақсадимиз — ишқибозларни тўп ўйинига қизиқишини, билимдонлигини ва топқирлигига ишонч ҳосил қилиш ҳамда Ўзбекистон футболи тараққиётига кўмаклашиш.

Кўрик-танлов саволларига аниқ, мукаммал ва малакали жавоб йўллаганларни мукофотлар кутади. Биринчиликни олган ишқибоз рўзномамизга келаси йил учун текин обуна қилинади. Ғолиблар таниқли футболчиларнинг дастхати туширилган чипор тўп билан тақдирланадилар. Зеро, бундай тадбир ўзига хос сарф-харажат тақозо этади. Чунончи, таҳририятга келган жавобларни таҳлил қилиш учун мутахассислар жалб этилади. Тўпланган маблағдан футбол ишқибозларининг учрашувларини ташкил этишда, айрим ночор спортчиларга ёрдам кўрсатишда фойдаланилади.

ҚИРҚИШ ЖОЙИ

ФУТБОЛ ИШҚИБОЗЛАРИ ВАРАҚАСИ

1. Мустақил Ўзбекистон олий лига футбол жамоаларининг дастлабки миллий биринчилиги ғолибининг номини айта оласизми? _____

2. Олий лига ўйинларида дарвозани ким кўп марта нишонга олиб, «Моҳир тўпурар» номини олади? _____

3. Биринчи лигадан қайси жамоаларни олий лигага ўтиш учун асосий талабгор бўлади, деб ўйлайсиз? _____

4. Осиё кубоги кимларга насиб этишини айта оласизми? _____

5. Ўзбекистон футболининг халқаро нуфузини ошириш учун Сизнингча нималарга эътибор қилиш керак? _____

Ишқибознинг насаби, исм-шарифи _____

Манзилгоҳи. _____

ҚИРҚИШ ЖОЙИ

ФУТБОЛ билимдони ва танти ишқибозлар номини рўзномада эълон қилиб борамиз. Жавобларни ёзиб, почта орқали юборилган 10 сўм пул квитанцияси билан қўшиб жўнатинг. Айни бир ишқибознинг хилма-хил жавоблари ҳам кўриб чиқиш учун қабул қилинаверади. Фақат ҳар бир вариантга алоҳида тўлов қоғози илова қилиниши лозим.

Манзилгоҳимиз: Тошкент — 700083, Ленинград кўчаси, 32-уй.

«Ўзбекистон овози» рўзномаси футбол танловига, деб ёзинг.

25 сентябрдан кечиккан жавоблар инобатга олинмайди.

Сизларга омад ёр бўлсин!

ФУТБОЛ ФУТБОЛ

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» РЎЗНОМАСИНИНГ

ЖАРЧИНОМАСИ

КОРХОНАЛАР, МУАССАСАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР, КООПЕРАТИВЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ВА АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

«Сирғали Темир-бетон конструкциялари заводи» ижарачи корхонаси қуйидаги темир-бетон конструкцияларини нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан сотади:

узунлиги 10 метр бўлган автоблокировка тирговучлари; 6х2х0,14 метр ўлчамли йўл кошинлари; 3х6 м. ўлчамли қоплама кошинлар; пойдевор блоклари; 35х35 см. кесимдаги узунлиги 6 метрдан 12 метргача бўлган тўсинлар; узунлиги 6 метр; 23,6 метр; 18,0 метр; 24,0 метр; 33,0 метр бўлган автомобиль йўллари ва темир йўллар учун тўсинлар; пиёдалар йўлкасига ётқизиладиган 50х50х5 см.лик плиталар; 400х200х180 см.ли деворбоп бетон ғишт; 10х10 см.ли; 13х13 см.ли; 16х16 см.ли; 20х20 см.ли; 30х30 см.ли 50х50 см.ли ячейкали «Рабица» (симли тўр) тўсиқ.

Буюртмачи ва заводнинг материалидан: корхоналар ва аҳоли учун қуйидаги хизматларни кўрсатади:

якка тартибдаги қурилиш учун сейсмик камарлар тайёрлаш;

3 мм.дан 12 мм.гача ўлчамли арматурабоп пўлатни тортиб бериш;

турли хил арматура каркаслари ва металл буюмларини ясаб бериш;

дераза ва эшик блокларини тайёрлаб бериш.

Хизмат ҳақи — шартномавий, олдиндан ҳақ тўланади.

Маълумотлар олиш учун қуйидаги телефонга мурожаат қилинсин: 58-48-94.

Корхона манзилгоҳи: 700155, Тошкент шаҳри, Восточная кўчаси, 2-уй, Эски Сирғали қишлоғи, 66-автобус, 18- ва 67-маршрутли таксилар, «Хуршид» кинотеатри бекати.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги

МАННОН УЙҒУР НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ САНЪАТ ИНСТИТУТИ

1992—93 ўқув йили учун

қуйидаги мутахассисликлар бўйича биринчи курсларга

ТАЛАБАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

КУНДУЗГИ БЎЛИМ

1. Актёрлик санъати:
— Драма театри ва кино актёри (корейс гуруҳи) — ўқиш муддати — 4 йил.
— Мусиқали театр актёри (ўзбек гуруҳи) — ўқиш муддати 5 йил.
— Қўғирчоқ театр актёри (ўзбек ва қорақалпоқ гуруҳи) — ўқиш муддати — 4 йил.
2. Режиссура:
— Қўғирчоқ театр режиссураси (ўзбек гуруҳи) — ўқиш муддати — 5 йил.
— Телевидение режиссураси (ўзбек гуруҳи) — ўқиш муддати — 5 йил.
3. Театршунослик:
— Театр танқидчилиги (ўзбек гуруҳи) ўқиш муддати — 5 йил.
4. Телеоператорлик (ўзбек гуруҳи) ўқиш муддати— 5 йил.
5. Рангтасвир: — ўқиш муддати 6 йил.
— Ранг-тасвир (станковий) — ўқиш муддати 6 йил.
— Монументал рангтасвир
— Театр декорацияси рангтасвири
6. Графика — ўқиш муддати 6 йил
7. Санъатшунослик (ўзбек гуруҳи) ўқиш муддати 6 йил
8. Монументал безаш санъати — ўқиш муддати 6 йил
— Меъморчиликни пластик безаш.
9. Декоратив-амалий санъат: — ўқиш муддати 6 йил.
— Амалий графика
— Бадиий кулолчилик (Самарқанд вилояти учун ўзбек гуруҳи).
10. Интерьер ва жиҳозлаш санъати: ўқиш муддати 6 йил.
— Интерьерларни лойиҳалаш
— Меъморчилик безагини таъмирлаш (Қорақалпоғистон республикаси учун).

СИРТҚИ БЎЛИМ

1. Актёрлик санъати: — ўқиш муддати 5 йил
—Драма театри ва кино актёри (ўзбек гуруҳи)
2. Телеоператорлик (ўзбек гуруҳи) ўқиш муддати — 6 йил.
3. Музей иши ҳамда тарихий ва маданий ёдгорликларни сақлаш — ўқиш муддати 6 йил

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ:

1. Мутахассислик.
2. Она тили ва адабиёт (ёзма).
3. Ўзбекистон тарихи (оғзаки).

Институтнинг кундузги ва сиртқи бўлимларига кириш учун аризалар 1992 йилнинг 8 июнидан 4 июлигача қабул қилинади. Кундузги ва сиртқи бўлимларга кириш имтиҳонлари 1992 йил 6 июлдан бошланади.

Почта орқали юборилган ҳужжатлар қабул қилинмайди.

Ҳужжатлар имтиҳонга қўйиш бўйича тузилган комиссиянинг тавсиясига асосланиб қабул қилинади.

Режиссура мутахассислиги бўйича кирувчилар имтиҳонга қўйиш комиссиясига ёзма рефератлар, режиссерлик режаларини; театршунослик мутахассислигига кирувчилар ёзма реферат; рассомлик мутахассислигига кирувчилар талаб қилинадиган ҳажмда ижодий ишларини; телеоператорлик мутахассислигига ижодий фотосуратлар кўрсатадилар.

Кириш имтиҳонларига тайёрланиш бўйича консультация ШАНБА кунлари № 15 хонада соат 15 дан олиб борилади.

ИНСТИТУТГА КИРИШ ҲАҚИДАГИ АРИЗАГА ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАР ҚЎШИБ ТОПШИРИЛАДИ:

а) маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси:
б) № 086/У шаклидаги тиббиёт маълумотномаси:
в) сиртқи бўлимга кирувчилар учун иш жойидан маълумотнома;
г) 3х4 см. ҳажмли 6 дона фотосурат;
д) паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги хусусидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.

МАНЗИЛГОҲ: Тошкент шаҳри, 700031, Г. Лопатин кўчаси, 77-уй, тел. 56-28-80.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

«Ўзагроқурилиш» республика ишлаб чиқариш давлат —ширкат бирлашмаси жамоаси 1-рақамли Бухоро вилоят агроқурилиш трести 186-хўжаликларарО кўчма механизациялашган колоннасининг бошлиғи

Олим Исмоилович ФЮЗИЛОВнинг

бевақт вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор этади.

«Халқ ва демократия» — «Народ и демократия» журналининг таҳрир ҳайъати ва таҳририят жамоаси журнал таҳрир ҳайъатининг аъзоси, масъул котиб Ўринбосари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси, меҳнат фахрийси

Ҳибиддин Рамзиддинович МУҲАММАДХОНОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Республика Телекўрсатув маркази жамоаси Марказ бош муҳандиси А. К. Тўлагановга онаси

Хосиятхон ая ЭШОНХОНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент кўн-мўйна корхонаси жамоаси «Ўзбекенгил саноат» Ўзбекистон Давлат енгил саноат моллари ишлаб чиқариш уюшмаси раиси У. К. Исмоиловга онаси

Ихтиборхон ИСМОИЛОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Фанлар академияси Тилшунослик институти жамоаси институт хорижий тиллар кафедрасининг доценти Н. Каримовага онаси

Мусаввара ОБИД қизининг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг раҳбарияти ҳамда жамоаси Бухоро вилоят суди раиси

Баҳодир Холиқович АЛИМОВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этадилар.

Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институти раҳбарияти ва жамоаси саҳна нутқи кафедрасининг доценти Р. С. Сайфиддиновга акаси

К. С. ЭШОНБОЕВнинг

вафоти сабаби билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Адабиёт институти катта илмий ходими М. Назаровга онаси

Ашурхон НАЗАРОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг География бўлими жамоаси шу бўлим катта илмий ходими, физика-математика фанлари номзоди Миркамол Миродиловга волидаи муҳтарамалари

Марҳамат ХУЖАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: А. АБДУБАННОПОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ҲАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 33-11-49, 32-54-06; ижтимоий адолат — 33-76-04, 32-53-15; партия турмуши, советлар ҳаёти ва мафкура — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14; деҳқончилик-саноат — 33-12-16, 33-07-20, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-20-36, 32-54-35; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-12-56, 32-55-16; ички ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24; 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-26-70, 32-54-27; безатиш — 32-57-22; ахборот-тижорат маркази — 32-53-20.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-21-05, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-21, Урганчда — 6-72-60, Фарғонада — 4-88-25, Термизда — 2-23-01.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») — общественно-политическая газета Народно демократической партии Узбекистана.

● Йилига 256 марта чиқади.
386.914 нусхада чоп этилмоқда.
Буюртма № Г—128.

Нашр кўрсаткичи—64583.
№ 105.

Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00. топширилди—21.20. Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.